

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2001 йил, 18 октябрь, пайшанба № 125 (1545).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 18 октября 2001 г. № 125 (1545).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Хорижий журналистлар эътирофи


Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг матбуот марказида жаҳондаги 50 га яқин давлат оммавий ахборот воситаларининг вакиллари аккредитация қилинган. Улар орасида АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австрия, Россия, Япония, Хитой каби давлатлардан келган журналистлар ҳам бор. Чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида, Термиз шаҳрида бўлаётган воқеалар тўғрисида ўз нашлаари, телерадио каналларига энг сунгли хабарларни йўллаб туришибди.

Чет эл журналистларининг ўзлари эътироф этганларидек, Ўзбекистон жанубий чегараларининг ҳар икки томонида ҳам ҳеч қандай ҳарбий кучлар сафарбар этилмаган. Айрим чет эл оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган хабарлар асосиз, уйдирма ва бўхтон. Амударё устидаги кўприк, Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги чегара ҳудудларида бўлган хорижлик журналистлар бунга ўзлари ишонч ҳосил қилишди. Улар шаҳар кўчаларида, бозорларда бўлиб, аҳоли билан суҳбат қуришди ва тинч, осуда ҳаёт давом этаётганлигига гувоҳ бўлишди. 2500 йиллик юбилейга қизгин ҳозирлик кўраётган шаҳарнинг тарихий ва маданий обидалари билан танишди. Шаҳарликлардан бирининг тўйида қатнашиб, ўзлари ҳам одамларга қўшилиб рақсга тушишди.

— Биз чет эллик журналистларга ахборот беришга ҳамisha тайёرمىз, улардан ҳеч нарсани яшираётганимиз йўқ. — дейди ҳарбий қисм қўмондонининг ўринбосари, полковник Қайом Жумаев. — Чегарамиз тинч, аскарлар одатдагидек ҳарбий хизматларини бажаришмоқда. Улар ҳушёр ва сергак туриб, давлатимиз чегараларини қўриқлашмоқда. Дарёнинг нариги томонидан чегарани бузиш ҳоллари кузатилгани йўқ. Демак, қочоқлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Менимча, энг ишончли мисол шуки, чегарага туташ жойларда халқимиз тинч, яратувчилик меҳнати билан банд. Термиз ва Музрабод туманларининг чегара бўйлаб чўзилган далаларида пахта йиғим-терими, шולי ўрими давом этмоқда.

Ч. ТУХТАЕВ,
ЎЗА мухбири.

● СЕНИНГ ЎҒОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Оддий аскар Жасур Омонов ёзги ўқув мавсуми машғулотларида фаол иштирок этиб, ҳарб илмин пухта эгаллади. Айни кунларда барча тайёрларликлардан аъло натижаларини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиляпти.

Н. ЮСУПОВ олган сурат.

„Тарих халқ маънавиятининг асосидир“

«Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир».

Ушбу сўзлар бундан беш йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан муаззам пойтахтимиз марказидаги буюк Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда Сохибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошона — Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида лўф қилинган эди.

директори Нозим Ҳабибуллаев. — Мустақиллигимизнинг ўтган ўн йиллиги мобайнида Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Бобур каби улуг ва шавкатли боболаримизнинг номларини абадийлаштириш учун ул зотларнинг азиз хотираси тикланди, қадамжолари обод этилди, уларга атаб шукуҳли ёдгорликлар ўрнатилди, музейлар қурилди.

цияси аъзолари ташриф буюрган. Улар орасида талай мамлакатлар президенти, Бош вазирлари, вазирлари, йирик компания ва корпорациялар раҳбарлари бор. Ана шулардан бири, АҚШнинг «Кумминс Энжин» компанияси президенти Жим Ҳейбосан музейнинг эсдаликлар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Бу ажойиб бинони кўриш ва Ўзбекистоннинг бой маданияти ҳақида янада кўпроқ билиш мен учун катта сабоқ бўлди».

Утган давр Президентимизнинг бу сўзлари шунчаки шайронга ташбеҳ ёки муболага эмаслигини амалда исботлади. Юртимизнинг узук-яқинидан, шунингдек, олис хориж мамлакатларидан тинмай келиб турган зиёратчилар, аввало, азим пойтахтимизнинг қоқ марказида савлат тўкиб турган бу муаззам иморатнинг меъморий жозибасига дол қолса, музейнинг тарихий осори-атиқаларини, замонавий экспонатлари билан танишгач, уларда ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгудагидек акс этганини кўрмоқда.

Жумладан, энг ёш ва истиқболли порлоқ Темурийлар тарихи давлат музейи нафақат элимиз, балки дунё назарига ҳам тушди. Таъбир жоиз бўлса, музей кўп сонли зиёратчиларнинг, айниқса ўқувчи ва талабаларнинг Темурийлар тарихидан ўзинга хос сабоқ оладиган масканига, илм марказига айланди. Қисқа муддат ичида музей экспозицияси ва фондидаги экспонатлар сони 2 мингдан ортиб кетди. Табиийки, музей ашёларининг бундай тез кўпайишида, аввало, Президентимиз томонидан амалга оширилган талай ибратли тадбирларнинг ўрни бекиёс.

Музей илмий марказ сифатида ҳам салмоқли ишларни амалга оширяпти. Улуг алломаларимизнинг юбилейлари ўтказилиши муносабати билан бу даргоҳда «Хиза—гумбазлар шаҳри», «Бухоро — шарқ дурдонаси», «Мозийдан таралган зиё» каби ўнга яқин йирик монография яратилиб, хорижий тилларда ҳам чоп этилди. «Юз буюк сиймо» энциклопедик асар ва «Амир Темур жаҳон тарихида» мавзудаги китоб нашрдан чиқин арафасида.

— Президентимизнинг «Тарих халқ маънавиятининг асосидир» деган қисқа, лекин чуқур маъноли сўзлари замирида, аввало, бугунги авлодни, фарзандларимизни улуг аждодларимиз номи ва мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялаш билан бирга, уларнинг муносиб давомчилари бўлишга ўргатишдек масъулиятли вазифани изчил адо этишдек эзгу мақсад ётади. — дейди музей

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, музейимизнинг замонавий техник воситалар ва турли нобъ тарихий ашёлар билан жиҳозланган залларини кўришга ошқабатган зиёратчиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг август ойида уларнинг сони бир миллионга етганлиги қайд этилди. Зиёратчилар орасида кўплаб хорижлик меҳмонлар бор. Жумладан, бу ерга 298 марта чет эл расмий делега-

Утган йиллар мобайнида музейда Жалолиддин Мангуберди, Мотурудий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний каби улуг сиймоларнинг тарихий хизматларини ёрқин гавдалантирувчи ўндан ортиқ йирик кўргазма ташкил этилди. Хусусан, яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда Темурийлар тарихи музейи ташкил этилганининг беш йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон: мозий дурдоналари» мавзуда кўргазма очилди.

Х. СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

● РЕЗОНАНС Сообща противостоят злу

Наш воинский коллектив с удовлетворением и полным пониманием воспринял Заявление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, опубликованное в печати 6 октября.

Позиция главы государства о том, что противостоят терроризму — этому мировому злу — можно только общими усилиями мирового сообщества, встретила единодушную поддержку всего народа, в том числе и нас, военнослужащих.

воту его усиливают слова Президента: «разве не логично, что наша страна, сильно пострадавшая от терроризма, на собственном примере ошущающая его пагубное воздействие, которое, усиливаясь, превращается в постоянную угрозу, должна быть вместе с сильными государствами, мировым сообществом, объединившим волю атому странному злу?».

В складывающейся обстановке настало время реального перехода от призывов к борьбе с терроризмом к конкретным шагам в этом направлении. Как подчеркнуто в Заявлении Президента, более 100 стран мира сделали свой выбор, поддержав акцию США на уничтожение баз террористов на территории Афганистана.

Мы сейчас видим свою первоочередную задачу в том, чтобы, успешно сдав итоговую проверку, неустанным ратным трудом продолжать крепить боевую выучку и мастерство, бдительно стоять на страже независимого Узбекистана, находиться в постоянной готовности к отражению любых происков международного терроризма.

В вопросе Президента «до каких пор мы будем единолично противостоят этой напасти?» звучит тревога за будущее страны, понимание сложности выбора. Словом, выбор сделан, и пра-

Рядовой
М. ДЖАНДАРИЕВ.

● 2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари, Республика таълим маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бirlашмаси ҳамкорлигида оналар ва болалар йилига бағишлаб «Қўғирчоқ театрлари» кўрик-

танловини эълон қилган эди. Республика қўғирчоқ театри биносида ушбу кўрикнинг якуний босқичи бошланди. Унда танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб чиққан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг мак-

табгача таълим муассасаларидан 14 жамоа қатнашмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, кўрик учун танланган қўғирчоқ томошаларида боғча мураббийлари, ота-оналар билан биргаликда кичкинтойларнинг ўзлари ҳам бевосита иштирок этапти.

Танлов ғолиби 19 октябрь куни аниқланади. (ЎЗА).

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЮКСАК НАТИЖА БЕРМОҚДА

Катта лейтенант Б. Мўминов командирлик қилаётган алоҳида мототўқчилар батальони кузги якуний синовларни катта тайёргарликлар билан бошлаб юборди. Якуний синовларни қабул қилишга Шимоли-ғарбий ҳарбий округи бошқармаси тажрибали офицерларидан подполковниклар — О. Ражабов, Н. Валиев, Ф. Комилов, майорлар — А. Абдуқодиров, А. Полвонов, Е. Убойниязов ва капитан Н. Ўрагимовлар жалб қилиниб, ижтимоий-сиёсий, Сафнизоми, махсус тактик тайёргарлиги, жанговар қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий техникаларни бошқариш ва жисмоний тайёргарликлар бўйича синов имтиҳонларини қабул қилинди. Бу йилги якуний синов натижалари билан яқинроқ танишиш

мақсадида синов қабул қилиш комиссияси аъзоси майор А. Полвоновга мурожаат қилдик.

— Мана, биз алоҳида мототўқчилар батальони шахсий таркибидан якуний синов имтиҳонларини қабул қилишни бошлаб юбордик. Батальон шахсий таркибининг якуний синов имтиҳонларига пухта тайёргарликлар кўрганлигига амин бўлдик. Жамоа аъзоларидан, айниқса, гуруҳ командирларидан лейтенантлар — Ш. Матунаев, Р. Муслимов, шартнома бўйича хизмат сержантлари — Ж. Қодиров, А. Эшназаров ва оддий аскарлар — бухоролик Б. Тўхтаев, самарқандлик Ш. Кучимов ва тошкентлик А. Анназаровлар «яхши» ва «аъло» баҳолар олишга муваффақ бўлдилар.

Биз якуний синов топшириш жараёнида катта лейтенант Б. Мўминовни учратиш суҳбатлашганимизда, тўқчилар ва зенитчилар батальонлари билан ўзаро мусобақа уюштирилганликлари ва бу мусобақада «голиб» бўлиш учун пухта тайёргарликлар кўриб, яхши натижаларга эришиш учун бор имкониятлардан фойдаланаётганликлари тўғрисида атрофлича гапириб бердик.

Биз бу жамоанинг махсус тактик тайёргарлик синовларини топширишда яхши кўрсаткичларга эришганликларининг гувоҳи бўлдик.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси
А. АРЗИЕВ,
Нукус гарнизони.

СИНОВ МАШГУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

КЎРСАТКИЧЛАР ЯХШИ БЎЛАДИ

Оддий аскар Санжар Одиров сафдоши Рифат Қамбаровга: «Дўстим, хизматимиз ҳам охирига қолди. Бу галги синов машгулотларини ҳам аъло баҳоларга топшириб, уйга йўл олсан, юзимиз янада ёруғ бўлади», — деганида сентябрь ойининг ўрталари эди. Жанговар ўртоқлар ана шу вақтдан бошлаб барча тайёргарликлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий машгулотлар бўйича ҳам пухта шуғулланишга киришдилар.

Орадан бир оз муддат ўтгач, янқовлон энди тўртволон бўлишди. Оддий аскарлар — Музаффар Раҳмонов ва Фаалиддин Жовлиевлар ҳам уларга қўшилишди. Аста-секин улар сафи кенгай борди. Синов машгулотлари пайтида уларнинг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини берди: саф кўриги, саф ва жисмоний ҳамда бошқа тайёр-

гарликлар бўйича юксак натижаларни қўлга киритилган бу азамат йигитлар Мудоффа вазирлигидан келган текширув комиссияси аъзоларини қойил қолдириб, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича фақат «аъло» баҳо олишга мушарраф бўлишди. Барча саволларга раво ва тўлақонли жавоб берганликлари учун текширувчилардан Ташаккурномалар эшитишди.

Якуний синов машгулотлари давом этмоқда. Юқоридан номлари тилга олинган ҳамда синовларга пухта тайёргарлик кўришган ҳамма посбонларнинг барча имтиҳонларда юқори кўрсаткичларга эришишлари, шубҳасиз.

Подполковник
Х. ЖУМАНАЗАРОВ,
Фарғона гарнизони,
(Факс орқали).

Ғайриинсоний кучларнинг умри қисқа

Шу йил 11 сентябрь кунини АҚШда юз берган халқаро террорчилар хуруж ва тайдонларининг ҳам бифари қолдиргани йўқ. Жаммики тараққийпарвар инсониятга қарши қаратилган бу ваҳшиёна ҳаракатни барча ватандошларимиз қораламоқда. Америка халқи билан бирдамлигини билдирмоқда.

Халқаро терроризм нанники муайян бир мамлакат учун, балки бутун дунё учун хавфли-хатарли эканини Президентимиз буидан бир неча йиллар олдин — ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида айтган ва инсониятни бу борада огоҳ бўлишга даъват этган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили Истамбулда бўлиб ўтган анжуманида халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ташаббуси билан чиққанида кўнглим бир ёришган эди. Дунё давлатлари бу ғайриинсоний кучларга қарши биргаликда курашса, халқаро террорчиларга сиқонинг ини минг танга бўлиб кетади, деб ўйлаган эдим. Афсуски, бонини тошга тегмагунча, ҳаммамнинг ҳам кўзи очилавермас экан.

Террорчиларнинг ватани, миллати, дини бўлмайди. Афсуски, бунини ҳамма бирдай тушуниб етмас экан.

Террорчиликка қарши...

АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати истеҳкомларини кечаю кундуз бомбардировка қилишга ўтди. Халқаро кўра, толибларнинг ҳаво мудофаси тизими бутунлай ишдан чиққан. Шу боис АҚШ самолётлари ҳеч қандай қаршиликсиз кундуз кунлари ҳам Қобул ва Қандаҳор шаҳарларига ҳаводан зарба бермоқда.

БМТ Афғонистондаги бомбардировка тинч аҳоли орасида ҳам қурбонлар бўлаётганидан ташвиш билдирмоқда. Бош котиб Кофи Аннан, АҚШ Афғонистонда террорчиликка қарши курашар экан, тинч аҳолига жабр етишига мумкин қадар йўл қўймаслиги керак, деди.

АҚШ мудоффа вазири Доналд Рамсфелд яқинда Утнамилган брифингда террорчиликка қарши ҳарбий

Акс ҳолда, Америкада юз бергани каби улкан фалокат содир бўлмас-ми эди.

Мен Афғонистонда хизмат сафарига бўлганим. Қобул, Мозор Шариф, Шибиргон шаҳарларида ёруғ дунёни кўришдан умидини узган кишиларни даволашда қатнашганим. Ушун пайтларини айрим беморларнинг уруш тинмаётган дунёни кўргандан кўра, кўр бўлиб қолаверганим ҳам тузук эди, деган укинчиларини ҳам кўп эшитганим. Ушунда тинчликдан улуроқ неъмат йўқ эканлигини теран англаганим. Шунинг учун Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимизда мустаҳкам сақлаб турилган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишимиз керак.

Ўйлайманки, Президентимиз илгари сурган гоя ва таклифлар зудлик билан халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилади. Бу эса халқаро терроризмни илдизи билан қуритишда муҳим омил бўлади. Зотан, террорчиларни тағ-томири билан йўқ қилинмаса, дунё бу хавфдан батамом холи бўла олмайди. Ишонманки, тараққийпарвар инсоният бу хавфдан қутилиш чорасини топа олади.

Раҳмон МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Қўрамоли,
Олий Мажлис депутати,
Термиздаги кўз касалликларни шифохонасининг бош врачси.
(ЎзА).

операциялар ушбу иллат тағ-томири билан қуритилгунча давом этишини маълум қилди. Пентагон раҳбарининг таъкидлашича, бу кураш нафақат «Толибон» ва «Ал-Қоида», балки бошқа террорчи ташкилотларга қарши ҳам эълон қилинган.

АҚШ Усома бин Лодин ҳамда «Толибон» ҳаракатига тегишли 300 миллион АҚШ долларига тенг банк ҳисоб рақамларини аниқлашга эришди. Айни пайтда ушбу маблағ ҳаракатдан тўхтатилган. «Тайм» ҳафталигининг хабар беришича, расмий Вашингтон ушбу маблағнинг маълум қисмини Афғонистондаги бўлажак янги ҳукуматга бериши мумкин. Қолган қисми эса Нью-Йорк ва Вашингтонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан жабр кўрган оилаларга ёрдам сифатида берилади.

(ЎзА).

ВЕСТИ С ИТОГОВОЙ ПРОВЕРКИ

ВРЕМЯ ЗРЯ НЕ ТЕРЯЛИ

В мотострелковом батальоне, которым командует капитан Джаншудат Бозоров, контрольное занятие по стрельбе из стрелкового оружия началось с опозданием. Строгие проверяющие, обнаружив, что стрельбе не позволяет обеспечить необходимое качество проведения стрельбы, потребовали немедленно устранить недостатки.

Однако мотострелки не стали терять время даром, использовали образовавшийся перерыв для тщательной выверки прицелов на автоматах и проведения дополнительных занятий на учебных точках. Кстати, проверяющие отметили умелые действия рядового Шерали Умарова. Будучи по должности старшим гранатометчиком, он с успехом обучал сослуживцев владению стрелковым оружием.

По итогам стрельбы лучшие были названы рядовые Баходир Хадиматов и Умид Юсупов из группы лейтенанта Д. Мирзаахмедова, поразившие все цели с первой очереди.

Майор А. КАМАЛОВ,
Термезский гарнизон.
(Передано по телефону).

НИЯТИМИЗ ЕТУК ОФИЦЕР БЎЛИШ

Жанговар ўқув тревогаси бўйича биринчи бора машқ бажарганимизда, очиги шошиб қолдим. Ҳозир ҳам 600 метр баландликдан парашют билан илк бора сакраганимдаги ҳаяжон ҳеч хотирадан кетмайди. Машгулотлар давомида офицерлик касбининг моҳиятини теран англаб бораганим.

1999 йилда Самарқанддаги ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейга ўқинишига киришга уриндим, омадм келмади. Мана, янги мингйилликда курсантлик либосини кийиб турибман.

Оиламизда, яқинлар орасида ҳарбийлар йўқ. Отам — бригада бошлиғи, онам — уй бекаси. Мустиқил Ватаним ҳимоячиси бўлишдек улгуров орзу болалигимдан пайдо бўлган. Билим юртида малакали офицер бўлиб етишишимиз учун барча нарса етарли. Ҳарб илминини мукаммал эгаллаб, замон талабларига жавоб берувчи. Қуролли Кучлар пуфизини янада орттирувчи офицер бўлиш бизнинг мақсадимиз.

Курсант Обиджон ТУРАЕВ.

СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

САРДОР МАСЪУЛИЯТЛИ, ЖАМОА ИЛҒОР

Кўриқчилик ва кимёвий муҳофазавоздининг командири майор Рустамбек Комилов ҳар гал қоровуллар таркибини навбатдаги нарядда тайёрлар экан, албатта Гарнизон ва қоровул хизмати Низомни талабларини эслаганида, Эслатиб-тива қолмай, савол-жавоблар оқини сержанту оддий аскарларнинг нечоғли ўқиб олганликларини текшириб кўради. Ана шундан кейингина шахсий таркиб муҳим аҳамиятга молик давлат ва ҳарбий мулкни кўриқлашга киришади.

Бу гал ҳам шундай бўлди: майор Комилов тарқатувчи ва соқчи бўлиб қоровул нарядида турадиган гуруҳ бўлинимасининг командири кичик сержант Обиджон Шодиқжоев, оддий аскарлар — катта ўқин Дилнод Ибрагимов, пулемётчи Тўлқин Амриев, химик-ўқин Димитрий Гатаулин, ўқин Бурид Жўраев ва бошқа жангчиларин нарядда пухта тайёрлади. Қоровул шахсий таркиби навбатдаги амалий машгулотлар жараёнида ҳам ўзларининг етук билим ва тажрибага эга эканлигини кўрсатди.

— Қоровуллик хизматини ўтатиш, — дейди взвод командири, — жанговар вазифани бажариш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу масъулиятли топшириқни адо этиш ҳар бир қоровул шахсий таркибидан ҳушёрлик, жиддийлик, доимий жанговар шайлиқни талаб этилади. Бизнинг жамоамиз аъзолари бунини жуда яхши билган ҳолда, ўзларига ишониб топширилган объект — аэродромни ишончли кўриқлаб келишмоқда. Бунда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Мамазонир Боймуродов, гуруҳ командири шартнома бўйича хизматдаги катта сержант Раҳмонали Қурбонов сингари офицеру кичик командирлар талабчанлиги, масъулиятчилиги асосий омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишда, асосан ҳарбий соҳада масъулият бон мезон саналади. Бунини майор Комилов ҳам яхши билди ва ҳаминша

масъулиятли бўлишни шахсий таркибдан талаб қилади. Андижон вилоятининг Яналоққудуқ туманидан 1994 йили ҳарбий хизматга чақирилган Рустамбек Фарғона давлат университетини тугатиб, тўққиз йил мобайнида умумтаълим мактабида ёшларга таъриқлашга тайёргарлик фаиндан сабоқ берган пайтида ҳам ўз ишига нисбатан асло совуққонлик қилган эмас.

— Армияни беқиз ҳаёт миктаби, деб аташмайди, — дейди майор. — Мендаги талабчанлик ва масъулиятлик жиҳатлари асосан университетга ўқинишига киришгандан олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтатган пайтимида мукассамланди, десам хато бўлмайди. Менинг ҳаётим фалсафам бўйича, эҳқайд, масъулиятсиз киши ҳақиқий раҳбар бўлиб шакллана олмайди.

Ҳа, майор ҳақ. Бирон, Рустамбекдаги фидоийлик, жонқуярлик дастлаб отаси Тоҳиржон акадан ўтган, десак эҳқайимаймиз. Узоқ йиллар мобайнида мактабда муаллимлик қилган, Халқ таълими аълочиси, маҳалла оқоноқлар кенгашининг расиси Тоҳиржон ака масъулиятини ҳис қилмайдиганларни ёқтирмайдиган инсонлар тоифасидан. Рустамбекнинг опаси Пулатхон аяга нисбатан ҳам шундай финр билдириш мумкин. Ана шундай оилада камол топган майор Комилов умр йўлдонини Мавлудaxon билан тўрт ўғилу, бяр қизни жамиятта нафи тетадиган қобил инсонлар қилиб воляга етказишмоқда.

Мана, жорий йил якуний синов машгулотлари ҳам бошланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, майор Комилов бошлиқ жамоа бу галги синовларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб, миллий армиямиз — Қуролли Кучларимиз 10 йиллигини муносиб кутиб олади. Ишончимизнинг бониси эса ҳозирда уларнинг барча тайёргарликлар бўйича эришаётган юқори кўрсаткичларидир.

Подполковник
Х. ХУДОИБЕРГАНОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2001 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИДАН БОШЛАБ

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар ўз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида «бир идора орқали» шаклида махсус ташкил қилинган бўлимларга қўйидаги ҳужжатларни тоширишлари керак:

— якка тартибдаги тадбиркорлар учун 4 та ҳужжат;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

3x4 ўлчамли иккита фотосурат;

рўйхатдан ўтказиш йиғинининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;

муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт. — юридик шахслар учун 6 та ҳужжат:

ариза; корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси; тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатдан ўтказиш йиғинининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;

фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

— фермер ҳужжатлари учун 8 та ҳужжат:

ариза; қишлоқ хўжалиги нооперативи умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

Изомининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;

тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатдан ўтказиш йиғинининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;

фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

ташлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-рема нусхалари;

муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

Солиқ инспекцияси, статистика органлари ва Ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва руҳсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар 8 кунда, юридик шахслар ва фермерлар 12 кунда тўлиқ таъсис ҳужжатларини ўз қўлига олади.

Рўйхатдан ўтказиш идораларига топшириладиган таъсис ҳужжатларини туман ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб берадилар.

Хориждан хабарлар

ТОКИО. Филлипин жанубида «Абу Сайёф» экстремистик гуруҳи томонидан ўн киши гаровга олинди. Улар ичида икки америкалик ҳам бор. Япония радиоси тарқатган хабарларга қараганда, «Абу Сайёф» етанчиларидан бири агар ҳукумат ҳарбийлари уларга қаршилик кўрсатадиган бўлса, гаровдаги америкаликлар ўлдирилишини айтган.

ИСЛОМОБОД. АҚШ давлат котиби Колин Пауэл Покистонга келди. У президент Парвез Мушарраф ва ташқи ишлар вазири Абдусаттор билан музокара ўтказган эса-да, маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ташрифдан қўзланган асосий мақсад АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий операцияларига қарши турган диний партиялар етанчилари билан учрашиб, Покистондаги барқарорлиқни мустаҳкамлашдир.

ПХЕНЬЯН. Шимолий Кореянинг йирик порт-шаҳри — Вонсанда тошқин юз берди. Табиий офат туфайли юзлаб одам ҳалок бўлди, бир қанча тузар-жой биноси ва саноат корхоналарига шимаст етди. Шунингдек, алоқа тармоқлари ишдан чиқди, ўилаб кема сувга гарқ бўлди. Айни пайтда кутқарув ишлари давом этмоқда.

МЕХИКО. Мексика ва Гватемаланинг Тинч океанига яқин ҳудудларида 4,8 баллик zilzila содир бўлди. Мексика сейсмология хизматининг маълум қилишича, zilzila маркази икки давлат чегараларининг океанга туташган нуқтасида бўлган. Қўрбонлар ҳақида маълумот йўқ.

ИСЛОМОБОД. Покистон ташқи ишлар вазири Абдусаттор Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Зоҳиршоҳнинг махсус вакили Ҳидоятулла Арсаали қабул қилди. Покистон радиоси тарқатган хабарларга кўра, учрашувда икки томон ҳам асосан БМТнинг Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини фаволаштиришга эътибор қаратган.

ВАШИНГТОН. Италия ҳукумати АҚШнинг ҳалқаро террорчиликка қарши операцияларини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдирди. Вашингтонга ташриф буюрган Италия Бонн вазири Силвио Берлускони Оқ уй раҳбари Жорж Буш билан ўтказган мулоқотидан сўнг шунинг маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ҳозир Италия ва АҚШ ҳарбийлари аксилтеррор операцияси доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведриш ва Эрон ташқи сийасат маҳкамаси раҳбари Камол Харрозий Афғонистон муаммосини муҳокама қилди. ПАТА—ТАСС мухбирининг ёзишича, телефон орқали келган ушбу музокарада Камол Харрозий, мамлакатда юзага келадиган янги ҳокимият Афғонистоннинг қонуний президенти ҳисобланган Бурҳонуддин Раббоний ҳукумати асосига кўрилиши керак, деган.

ЎЗА.

Для всех и каждого

МУЖЧИНЫ, СЛЕДИТЕ ЗА СВОЕЙ ВНЕШНОСТЬЮ

При оценке мужской внешности правильные черты и формы играют гораздо меньшую роль, чем при оценке красоты женщины. Часто мы отмечаем не разрез глаз и не очертания волевого подбородка, а ухоженность кожи мужчины. Впечатление ухоженности может быть даровано природой, а может быть достигнуто. Итак, как превратиться в красавца-мужчину?



ОЧИЩЕНИЕ КОЖИ

Приучитесь не ложиться спать сразу после ужина и выпуска спортивных новостей, а сначала умыться. Забудьте про мыло — оно разрушает защитную пленку кожи. Нужны специальные гели и пенки для умывания. Утром очищение должно быть обязательным. Оно необходимо для подготовки к следующей процедуре.

БРИТЬЕ

Здорово травмирует кожу бритье: верхний слой становится более тонким, а сама кожа более чувствительной. Электробритва воздействует мягче, но менее качественно, да и кожу сушит. Она предпочтительна при чувствительной коже. Перед сухим бритьем протрите лицо тоником или лосьоном, перед влажным бритьем нужны гель или крем (не мыло). Средство для бритья наносит против роста волос, чтобы приподнять их, а бритву двигают по росту. Трудные участки — верхнюю губу и подбородок — оставляют на потом, чтобы средство для бритья лучше впиталось.

УВЛАЖНЕНИЕ И ПИТАНИЕ

Средства после бритья подбирайте по типу кожи. Для жирной и комбинированной — спиртосодержащие тоники или обезжиренные гели и бальзамы. Они успокоят раздраженную бритвем кожу, заживят царапины и ранки, продезинфицируют, очистят поры от остатков средства для бритья. Для сухой кожи — кремы после бритья, а на ночь — питательный крем.

ВОЛОСЫ

Шампунь должен соответствовать типу волос. Далее по вкусу — увеличивающий

ВАШЕ ЗДОРОВЬЕ

ЧТО-ТО НЕРВЫ РАСШАЛИЛИСЬ

Перекачивание по ладони нескольких грецких орехов или карандаша с большим количеством граней — отличное средство против нервного перевозбуждения. Такая своеобразная терапия знакома людям еще с древности и основана на лечебном эффекте активности рук. Оказывается, работа рук способствует психическому успокоению и со временем

предотвращает развитие утомления в мозговых центрах, поскольку бесчисленные нервные окончания кончиков пальцев непосредственно связаны с мозгом. А прилив крови и ритм в результате подобных манипуляций благоприятствует психоэмоциональной устойчивости и вашему физическому здоровью.

Одам қандай ўйлайди?

Бу савол инсониятни бутун тарихи мобайнида қизиқтириб келди. Аммо, тадқиқотчилар жуда кўп ахборот тўплаганларига қарамай, биз ҳануз бу саволга аниқ жавоб беролмаймиз.



